**2025 йил – Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили**

№55 (908)
2025 йил 18 июль, жума

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.





*Сирдарё тумани Шоликор маҳалласидаги “Сирдарё” болалар соғломлаштириш оромгоҳи таъмирдан сўнг фаолиятини қайта бошлади.*

*Бу ерда нафақат дам олиш, балки билим ва қобилиятни ривожлантириш учун ҳам барча имкониятлар мавжуд. Кутубхонада 3000 дан ортиқ янги ўзбек ва жаҳон адабиётлари мавжуд.*

*Ҳудуд хавфсизлиги доимий назоратда. У тўлиқ ўралган, 96 та кузатув камераси ўрнатилган.*

## НОРИН ДАРЁСИ УСТИГА ЯНГИ КЎПРИК ҚУРИЛМОҚДА



**Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Норин дарёси устида учта туман – Уйчи, Учқўрғон ва Норинни вилоят маркази билан боғловчи янги кўприкни қуриш ишлари жадал давом этмоқда.**



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Мазкур кўприкнинг узунлиги 481,5, эни 15,1 метрни ташкил қилади. Қатнов қисмининг кенглиги 7,5 метр бўлиб, ҳар икки томонида 2 метрдан хавфсизлик тасмаси ҳамда 1,8 метрдан пиёдалар йўлаги барпо этилади.

Йирик лойиҳага кўра, 17,5 километр янги йўл ҳам бунёд этилиши натижасида Уйчи, Норин туманларида транспорт тирбандликлари ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисалари олди олиниб, юздан зиёд маҳаллада яшовчи 450 минг аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига янада қулайлик яратилади. Асосийси, вилоят марказигача бўлган 20 км узунликдаги йўл қисқаради.

Дарё устида кўприк қуриш мураккаб жараён. “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК буюртмаси асосида “Ўзйўлкўприк” кластерининг Тошкент вилояти филиали томонидан ўтган йилнинг апрель ойида бошланган қурилиш ишларида ўндан ортиқ махсус техника жалб этилган. Ушбу кўприкни 2026 йилда фойдаланишга топшириш режа қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ЛИФТЛАРНИ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Республика аҳолисининг лифтлардан фойдаланишда хавфсизлигини таъминлаш ҳамда барча тоифадаги лифтларнинг техник соз ҳолатда сақланиши устидан доимий назорат қилиш тизимини амалиётга жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Лифтларни техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом** (кейинги ўринларда – Низом) иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2026 йил 1 июлдан бошлаб амалга киритилсин:

аккредитация қилинган ва тегишли рухсатномага эга бўлган ихтисослашган ташкилотлар томонидан лифтларни техник кўрикдан ўтказиш тартиби;

лифтларни техник кўрикдан ўтказувчи ихтисослашган ташкилотларга қўйиладиган талаблар;

лифтларни техник кўрикдан ўтказувчи мутахассис ходимлар тоифаси ва уларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари.

2. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги:

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси, Ўзбекистан техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 2025 йил якунига қадар республикадаги мавжуд лифтларни хатловдан ўтказсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Низом ва Лифт ва лифт хавфсизлик қурилмаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент талабларидан келиб чиқиб, Лифтлардан хавфсиз фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу қарорнинг мақсади, мазмуни ва уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг кенг хабардор қилинишини таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Ш. С. Хидоятов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси раиси А. В. Рафиков ҳамда Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори А. Р. Жуманазаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. АРИПОВ**
Тошкент ш.,
2025 йил 12 июль
431-сон

**Қарор иловалари билан ушбу QR-код орқали танишишингиз мумкин**

## “ХАВФСИЗ ЛИФТ”
### *ягона идоралараро платформаси қандай ишлаяпти?*

**Бугунги кунда кўп қаватли бинолар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Ундаги Лифт қурилмаси эса шунчаки ҳаракатланиш воситаси эмас, у инсон хавфсизлиги ва кундалик қулайлиги билан бевосита боғлиқ. Айнан шунинг учун лифтларнинг сифати, хавфсизлиги ва энергия тежамкорлигига алоҳида эътибор қаратиладиган жиҳат ҳисобланади. Айни вақтда мамлакатимизда жорий йилнинг 1 майидан бошлаб “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимининг “Хавфсиз лифт” ягона идоралараро электрон платформаси ишга туширилди.**

“Хавфсиз лифт” электрон платформаси Вазирлар Маҳкамасининг “Саноат электротехника маҳсулотларидан фойдаланишда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ушбу маҳсулотлар устидан сифат назоратини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва бошқа фуқароларимиз учун хавфсизлик, қулайлик ҳамда сифатни белгиловчи қарорлар ижроси асосида амалга оширилди.



Ҳозирда янги қурилиб фойдаланишга топширилаётган кўп квартирали уй-жойлардаги лифт ускуналарини давлат рўйхатидан ўтказиш “Хавфсиз лифт” ягона идоралараро платформа орқали амалга оширилади. Бордию, ушбу платформа орқали давлат рўйхатидан ўтказилмаса янги қурилган кўп квартирали бино фойдаланишга қабул қилинмайди. “Хавфсиз лифт” электрон платформасидан рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъекти, лифтларнинг керакли ҳужжатларини, яъни сертификат, паспорт, далолатнома, лифтларга хизмат кўрсатувчи ташкилот билан тузилган шартномаларни юклайди ва ариза юбориш тугмасини босади. Юборилган ариза Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг ҳудудий бўлимларига келиб тушади ва у ўз навбатида мутахассисга юборилади.

Келгусида “Хавфсиз лифт” ягона идоралараро платформаси орқали республикадаги барча лифт ускуналарини реал вақт режимида кузатиб бориш имкони яратилади.

– Айни пайтда Республикамиз раҳбариятининг тегишли топшириқларига асосан, қўмита иштирокида лифтларни ўрнатиш, таъмирлаш ва синовдан ўтказиш фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари сони 103 тадан 141 тага оширилди, – деди Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси Ахборот хизмати раҳбари Бекзод Бердиев. – Шунингдек, лифтларга хизмат кўрсатиш соҳасига оид мутахассисларни тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш бўйича 286 нафар мутахассис Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги бандликка кўмаклашиш марказларида (Мономарказ) ўқитилиши ташкиллаштирилди. Лифт ускуналарига мувофиқлик сертификатларини беришда тадбиркорлик субъектларига қулайлик яратиш мақсадида, қўмита тасарруфидаги “Саноат хавфсизлиги” ДМнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари филиаллари ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, амалий чора-тадбирлар лифт ускуналарининг техник ҳолати, ундан фойдаланишда аварияларнинг олдини олиш, аҳолига хавфсиз шароит яратиш ва лифт ускуналарини мониторинг қилиш, шунингдек, замонавий диспетчерлик хизматини кўрсатиш каби мақсадларга хизмат қилади.

**Ўз мухбиримиз.**

## ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида Президент маслаҳатчиси ўринбосари Обиджон Ҳакимов ва Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Ҳидоятов иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, “Ўзсувтаъминот” АЖ, “Иссиқлик таъминоти” АЖ, тегишли вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар раҳбарлари ва масъул ходимлари ҳам иштирок этди.

Мажлисда 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги асосий натижалар, мавжуд муаммолар ҳамда йил якунига қадар амалга ошириладиган вазифалар муҳокама қилинди. Дастлаб, вазир Шерзод Ҳидоятов ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берди. Шунингдек, йиғилиш давомида вазир ўринбосарлари ва тизим ташкилотлари раҳбарлари ҳам ўз йўналишлари бўйича ҳисобот бериб, муаммолар ечими бўйича таклиф ва ташаббусларни билдирди.

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Ҳидоятов иштирокида Жиззах вилоятининг Бахмал тумани инфратузилмасини шаҳарсозлик норма ва қоидаларида кўрсатилган талабларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш ҳамда аҳоли яшаши, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида зарур муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш юзасидан йиғилиш ўтказилди.**

Тадбирда туманни комплекс ривожлантириш, ҳудуднинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳамда эскирган боғ ва токзорлар ўрнида янги саноатлашган интенсив мевали боғлар барпо этиш масалалари кўриб чиқилди.

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Коррупцияга қарши курашиш бўлими ходимлари Ўзбекистон Республикаси делегацияси таркибида Латвия давлатида ўтказилган “Ёзги мактаб”да иштирок этди.**

Мазкур ташриф Европа Иттифоқи ва Германия Федерал иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт вазирлиги кўмагида амалга оширилаётган “Ўзбекистонда давлат бошқарувини такомиллаштириш – инклюзив коррупциянинг олдини олиш” лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Тадбир давомида Европанинг илғор тажрибалари, жумладан, давлат молиявий назорати, давлат мулкини бошқариш, инвестиция ва саноат соҳаларида шаффофликни таъминлаш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияни жиловлаш бўйича замонавий механизмлар ўрганилди.

**Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассислари томонидан Андижон шаҳридаги Ғайрат маҳалласи ҳудудида қурилаётган кўп қаватли турар жой биносида белгиланган тартибда ўрганиш ишлари амалга оширилди.**

Ушбу назорат тадбири доирасида қурилиш-монтаж ишларининг амалга оширилиш жараёнида меъёрий-техник талаблар, шаҳарсозлик ҳужжатлари ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлиги атрофлича ўрганилди. Ўрганиш давомида аниқланган камчиликлар юзасидан қурувчи ташкилот вакилларига уларни бартараф этиш бўйича ёзма кўрсатмалар берилди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№55 (908) 2025 йил 18 июль

# Уй-жойлар қурилишида СИФАТ БИРИНЧИ ДАРАЖАДА



**Шерзод ОТАЕВ,** Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

**Жамиятда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси фаровонликни таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим йўналишлардан бири саналади. Уй-жой – инсоннинг асосий эҳтиёжи. Аммо ҳар қандай бино ва иншоот нафақат чиройли кўринишга, балки мустаҳкамлик, хавфсизлик ва экологик талабларга ҳам жавоб бериши лозим. Шу сабабли бу соҳада қатъий назорат тизимини жорий этиш ҳар бир давлат учун устувор вазифадир.**



Қурилиш соҳасида назорат қилиш – бу фақатгина ҳужжат текшируви эмас. Бу ерда гап инсонларнинг ҳаёти ва саломатлиги ҳақида кетмоқда. Лойиҳанинг тўғри ишлаб чиқилиши, қурилиш материалларининг сифатли бўлиши, қурувчиларнинг малакаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиниши – буларнинг барчаси назорат остида бўлиши шарт. Акс ҳолда, ҳалокатли оқибатларга олиб келадиган хатолар юз бериши мумкин.

Хусусан, уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат бўлмаса, аҳолининг турмуш даражаси пасаяди. Иситиш, ичимлик суви, электр энергияси ва канализация каби хизматларнинг узлуксиз ва сифатли бўлиши доимий мониторингга боғлиқ. Бугунги кунда бу хизматларни рақамлаштириш ва автоматлаштириш орқали уларни янада қулай ва шаффофлаштиришга эътибор қаратиляпти. Албатта, бу саъй-ҳаракатларнинг ҳуқуқий асоси жуда муҳим таъсирга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 апрелдаги "Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–66-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг устувор вазифалари белгилаб берилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда шаҳарсозлик соҳасини такомиллаштириш ва шаҳарсозлик фаолияти объектларининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар қабул қилинмоқда. Хусусан, бинолар ва иншоотларни қуришни ҳамда таъмирлашни амалга оширувчи ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган талабларга қатъий риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида, жорий йилнинг 25 мартида "Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида" 1050-сон Қонуни қабул қилинди. Қонунчиликдаги бу ўзгаришлар аҳолининг хавфсиз ва хотиржам яшаши ҳамда биноларнинг узоқ йиллар хизмат қилишини таъминлаш мақсадида амалга ошириляпти. Улар асосида Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан 2025 йилнинг январь-июнь ойлари мобайнида белгиланган йўналишларда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Хоразм вилояти бўйича 2025 йил давомида 2 минг 67 та қурилиш объектида назорат ишлари олиб борилиши мўлжалланган. Ўтган 6 ой мобайнида қурилиш объектларида 15 минг 247 маротаба мониторинг ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан 5 минг 926 та бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилди. Уларнинг 1 812 таси буюртмачининг техник назоратига, 2261 таси лойиҳачининг муаллифлик назоратига ҳамда 1 853 таси пудратчининг ички назоратига берилган.

Ўтказилган мониторинглар натижасига кўра, объектларда қўлланилган сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлари юзасидан 46 та тақдимнома киритилди. 141 та ҳолатда бажарилган сифатсиз қурилиш-монтаж ишлари буздирилиб, 621 та ҳолатда инспекция ваколати доирасида маъмурий жарима расмийлаштирилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 321-сонли қарори талаблари асосида қурилиш объектларида мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф эттириш юзасидан буюртмачи, техник назоратчи ва лойиҳачининг муаллифлик назоратчилари томонидан берилган 4753 та электрон ёзма кўрсатмалар ижроси тизим орқали назоратга олинган.

Бундан ташқари, 2025 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир қурилаётган объект бўйича "QR" кодли паспортни жорий қилиш, унда объект номи, қурилишга рухсат олинган сана, лойиҳа ва пудрат ташкилоти, объектни фойдаланишга топшириш муддати каби маълумотларни олиш имкониятини яратиш белгиланган бўлиб, йил бошидан ҳудудий инспекция томонидан рўйхатга олинган 457 та объектларга "QR" кодли паспорт ўрнатилиши таъминланган.

## КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАР – УМУМИЙ МУЛК, УМУМИЙ МАСЪУЛИЯТ!

Бугунги кунда шаҳарларда аҳоли асосан кўп квартирали уйларда яшайди. Кўп квартирали уй-жой фондини назорат қилиш – бу фақатгина техник масала эмас. Бу биринчи навбатда, хавфсизлик, санитария, экология ва ижтимоий барқарорлик масаласи ҳисобланади. Уйларнинг том қисми яроқсиз бўлса, ёмғир ёғганда сув ўтади; эшиклар бузилган бўлса, бу жиноятчилик хавфини оширади; электр тармоқларидаги носозлик эса ёнғин хавфини туғдиради.

Шу каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳудудий инспекция томонидан вилоятдаги мавжуд 1 минг 959 та кўп квартирали уйлардан бугунгача 410 тасининг техник ҳолати ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнларида 109 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларнинг барчасига бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилди, 85 та ҳолатда ҳуқуқбузарларга нисбатан 575,5 миллион сўм миқдорида маъмурий жарималар қўлланилди.

Шу билан бирга, берилган мажбурий кўрсатмаларга асосан, 31 та ҳуқуқбузарликлар фуқаролар томонидан ихтиёрий бартараф этилди. 56 та ҳолат бўйича судларга даъво аризалар киритилган. Бундан ташқари, амалга оширилган назорат тадбирлари жараёнида 8 та бошқарув органлари фаолияти ўрганилди. Бунда жами 5 та ҳолатда 3,4 миллиард сўмдан ортиқ миқдордаги маблағлардан самарасиз фойдаланилганлиги аниқланди. Бундан ташқари, кўп квартирали уйлардаги лифтлар назорати бўйича вилоятдаги 119 та лифт ускунасининг тасдиқланган режа графиги асосида бир марталик техник кўрикдан ўтказилиш ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур лифтларни техник кўрикдан ўтказиш юзасидан 10 та бошқарув органига "Лифтлар хавфсизлиги тўғрисида"ги регламентга асосан бажарилиши шарт бўлган ёзма кўрсатмалар берилиши таъминланди. Шунингдек, лифтларни техник кўрикдан ўтказилишини назорат қилиш учун Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасига 12 маротаба хабарномалар юборилган.

## ТОЗА СУВ — ҲАЁТ, НАЗОРАТ ЭСА УНИНГ КАФОЛАТИ!

Сув – бу ҳаёт манбаи. Тоза ичимлик суви ҳар бир инсоннинг асосий эҳтиёжи, соғлом турмуш тарзининг кафолати ва барқарор ривожланишнинг ажралмас қисмидир. Шу билан бирга, фойдаланилган сув – яъни, оқова сувлар – атроф-муҳитга, тупроқ ва сув ҳавзаларига зарар етказмасдан чиқариб юборилиши ҳам шунчалик муҳимдир. Демак, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариш тизими – бу оддий коммунал хизмат эмас, балки давлат миқёсидаги стратегик йўналишдир. Ва бу тизим устидан қатъий ва узлуксиз давлат назорати зарур.

Ҳудудий инспекция томонидан истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик суви сифатини ўрганиш бўйича ҳозиргача 1 027 та таҳлил намуналари олиниб, шундан 7 та ҳолатда ичимлик сувининг белгиланган миллий стандарт талабларига жавоб бермаслиги аниқланган. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланишда жами 235 та ноқонуний ҳолатлар аниқланди. Натижада, қоидабузарлардан сув таъминоти ташкилотларига 333 миллион сўмлик қўшимча тўловлар ҳисобланди.

Ер ости ичимлик сув иншоотларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш талабларига риоя қилиниши юзасидан 27 та ўрганишларда 19 та камчиликлар аниқланган. Инвестиция дастурлари асосида хизматлар билан янгидан қамраб олинган ҳудудларда аҳоли ва сув таъминоти ташкилотлари ўртасида шартнома расмийлаштирилмасдан қолган 67 та маҳаллалардаги 569 та хонадонлар билан Инспекция иштирокида шартномавий муносабатлар расмийлаштирилиши орқали 1 204 нафар аҳоли тоза ичимлик суви таъминоти хизматлари билан қамраб олинган.

Ичимлик ва оқова сув тармоқларида 107 та носозлик (авария)лар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича сув таъминоти ташкилотларига 148 та мажбурий кўрсатмалар киритилди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан жойларда 313 та 409,5 млн сўмлик маъмурий жарималар қўлланилди, 6 та ҳолат бўйича материаллар ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган.

## МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Тўғри, ҳали тизимда муаммолар йўқ эмас. Айрим ҳудудларда қурилиш сифати пастлиги, коммунал хизматларда узилишлар кузатилмоқда. Аммо энг муҳими – бу камчиликлар кўздан кечирилиб, таҳлил қилинмоқда ва бартараф этиш бўйича қатъий чоралар кўриляпти.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг фаолияти – бу нафақат техник жараён, балки халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омилидир. Ўзбекистонда бу йўналишда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар эса давлатнинг асосий тамойили – инсон манфаатларига хизмат қилишга қаратилганини яна бир бор тасдиқлайди. Шундай экан, барчамиз бу соҳадаги жараёнларга бефарқ бўлмаслигимиз, жамоатчилик назоратини фаол олиб боришимиз муҳимдир.

# Ярим йилда 31 589 нафар фуқарога ипотека кредитлари ажратилган

**Райҳона ХЎЖАЕВА,** "Ozbekiston bunyodkori" мухбири.

**Юртимизда инсон омилини юксалтириш уларни уй-жой билан таъминлаш жараёнида кўпроқ ўз аксини топаётгани янгилик эмас. Зеро, уйи борнинг ўйи йўқ, деб бекорга айтишмаган. Бу борада юртимизда давлат миқёсида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилиб, уй-жойга эҳтиёжманд аҳоли учун қулай имкониятлар тақдим этилмоқда. Хусусан, ипотека кредитлари ва субсидия хабарномаларининг тақдим этилиши юртдошларимиз учун кўплаб имконият эшикларини очмоқда.**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 февралдаги ПФ-26-сонли Фармонига асосан, бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг асосий параметрлари тасдиқланган. Хусусан, ҳудудларда жами 8,1 миллион $м^2$дан иборат 135 мингта хонадонли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш, Уй-жой ва ипотека бозорини молиявий ресурслар билан таъминлаш учун 20,9 триллион сўм миқдоридаги ипотека кредитларини ажратиш ҳамда ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар сони 1,5 бараварга оширилиб, мазкур мақсадларга Давлат бюджетидан 2,5 триллион сўм йўналтириш белгиланган.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида, жорий ярим йиллик якуни билан 30 мингдан зиёд хонадон фойдаланишга топширилган. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 2,1 баробарига ошган. Шундан, "Янги Ўзбекистон" массивларида 6 963 та хонадон қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилган. Ушбу массивларда 2025 ярим йиллик якуни билан ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини қуриш учун давлат бюджети ҳисобидан умумий қиймати 624 миллиард сўм ажратилган. Шундан, автомобиль йўллари учун 112 миллиард сўм, ичимлик ва оқова сув таъминоти учун 280 миллиард сўм, иссиқлик таъминоти учун 160 миллиард сўм, электр энергия таъминотлари учун 70 миллиард сўм ажратилган.

Таъкидлаш керакки, аҳолига уй-жойларни сотиб олишлари учун тижорат банклари томонидан ярим йиллик якуни билан жами 31 минг 589 нафар фуқароларга 9 триллион 437 миллиард сўмлик ипотека кредитлари ажратилган. Бунда, 22 минг 110 нафар фуқарога 6 триллион 389 миллиард сўм республика бюджети маблағлари ҳисобидан, 5 минг 990 нафар фуқароларга 2 триллион 253 миллиард сўм тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан, 3 минг 489 нафар фуқароларга 794 миллиард сўм Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компаниясининг маблағлари ҳисобидан ажратилган. Шу билан бирга, 2025 йилда Ипотека дастури доирасида тижорат банклари ўз маблағи ҳисобидан 22 362 нафар фуқарога 6 триллион 515 миллиард сўмлик ажратган ипотека кредитлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қайта молиялаштириб берилди. Ўтган йилнинг мос даврига кўра, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилган ипотека кредитлар улуши 1,5 бараварга кўп қоплаб берилди.

Булардан ташқари, субсидия хабарномаларининг тақдим этилиши ва улар бўйича тўловларни амалга ошириш юзасидан ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2025 йилнинг ўтган олти ойи давомида жами 75 271 нафар фуқарога 938 миллиард сўмлик субсидия маблағлари тўланган. Шундан, 9 минг 295 нафар фуқарога 278,9 миллиард сўмлик бошланғич бадал ҳамда 2020 –2024 йилларда субсидия асосида 65 976 нафар фуқарога ажратилган ипотека кредитларнинг фоиз харажатларини қоплаш учун 660 миллиард сўмлик субсидия маблағлари тўлаб берилди.

– Айни пайтда 2025 йилда берилган ва бугунги кунда амалда бўлган субсидия хабарномалари бўйича субсидия тўловлари давом эттирилмоқда, – деди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари ўринбосари Равшана Умарова. – Шу билан бирга, жорий йилнинг 10 июль куни соат 9:00дан бошлаб тақдим этилган субсидия хабарномаларининг фойдаланилмаган қисми ҳисобидан аризалар қабул қилиш бошланган бўлиб, ҳозирга қадар фуқаролар томондан 66 мингдан зиёд аризалар келиб тушди. Шундан, масъул ташкилотларнинг хулосасига асосан, туман/шаҳарларда субсидия ажратиладиган талабгорларни танлаб олиш комиссиялари томонидан 1 251 нафарига ижобий субсидия хабарномалари тақдим этилди.

Маълумот учун: ҳозирда субсидияга аризалар қабул қилиш ва уларни комиссиялар томонидан кўриб чиқиш давом этмоқда.

# "ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО" АЖ – "Топ 3"лик мустақил кредит рейтинги рўйхатида

**"Ўзбекгидроэнерго" АЖнинг халқаро рейтинг ва индексларда юқори ўринларни эгаллашига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки халқаро рейтинглар Жамиятнинг ташқи имижини ва фаолият сифатини баҳолаш, иқтисодий ривожланишнинг асосий шарти ҳисобланади. Шу жиҳатдан, Жамиятда бу борада йиллик молиявий ҳисоботларни юритиш бўйича аниқ дастурлар асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирларга мувофиқ иш олиб бормоқда.**



Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқаро мезонлар ва стандартларга мувофиқлигини баҳолаш натижаларига кўра, жорий 2025 йилда "Fitch Ratings" ("Фитч Рейтингс") халқаро рейтинг агентлиги "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамиятининг узоқ муддатли халқаро кредит рейтингини BB (барқарор) даражасигача кўтарилганлигини қайд этди.

Айтиш жоизки, Жамият сўнгги йилларда молиявий барқарорлик, самарали бошқарув тизими ва стратегик йўналишлардаги юқори натижалари билан халқаро рейтинг агентликлари эътиборини тобора қозонмоқда. Бу эса, ўз навбатида, унинг халқаро молия бозоридаги нуфузи ва ишончли имижини янада мустаҳкамламоқда. Бундан 5 йил олдин, яъни 2020 йилда "Ўзбекгидроэнерго" АЖ фаолияти мамлакатимизда ишлаб чиқарувчи корхоналар орасида биринчилардан бўлиб "Фитч Рейтингс" агентлиги томонидан B+ (барқарор) даражасида баҳоланган эди. 2021 йилдан эътиборан, муваффақиятли молиявий бошқарув, барқарор ўсиш суръатлари ва ижтимоий-ташкилий барқарорлик туфайли Жамиятнинг рейтинги BB- (барқарор) даражасига кўтарилди.

Ўзининг жозибадор ўсувчан молиявий-иқтисодий фаолияти натижасида "Ўзбекгидроэнерго" АЖ мана 4 йилдирки, жаҳонда етакчи "учлик" рейтинг агентликларидан бири ҳисобланган "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлигининг "BB-" барқарор халқаро кредит рейтингига муносиб бўлиб келмоқда. Жорий 2025 йилда эса, аниқроғи 1 июль санасида Жамият томонидан халқаро кредит рейтингининг яна бир поғонага ўсиши, яъни "BB" барқарор даражаси жамиятга инвесторларни кўпроқ киришига ва амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг янада арзонлашишига замин яратади.

Сўнгги йилларда Жамиятнинг барқарор ўсиш суръатлари жаҳондаги етакчи компаниялари томонидан мамлакатимиз гидроэнергетика тармоғи ривожига, хусусан, истиқболли лойиҳаларга қатор инвестициялар киритилишига сабаб бўлди. Шунингдек, келгусида "Ўзбекгидроэнерго" АЖнинг иқтисодий барқарорлигини янада оширишга хизмат қилади ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда хорижий кредитларни давлат кафолатисиз тўғридан-тўғри инвестиция маблағларини жалб қилиш имкониятини янада оширади. Бундан ташқари, рейтинг баҳосининг юқорилаши Ўзбекистон Республикасининг суверен рейтингдаги ижобий ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ бўлиб, мамлакат иқтисодиётига нисбатан халқаро ишончнинг тобора мустаҳкамланаётганини тасдиқлайди.

Айтиш жоизки, мамлакатимиздаги кўплаб банклар ва йирик корпорацияларнинг узоқ муддатли эмитент кредит рейтинглари BB даражасида барқарорлигича қолмоқда. Бироқ, "Ўзбекгидроэнерго" АЖ мустақил кредит рейтинг кўрсаткичлари бўйича, "Fitch Ratings" агентлиги томонидан энг яхши натижа қайд этган компаниялар қаторида, яъни Ўзбекистонда "Топ 3"лик мустақил кредит рейтинги рўйхатида.

Қайд этиш лозимки, ўтган давр мобайнида мазкур кредит рейтинги билан Жамият томонидан 2 та лойиҳа – умумий қуввати 40 мегаватт бўлган Зарчоб-3 ГЭС ва Катта Андижон каналида кичик ГЭСлар каскади қурилиши лойиҳалари учун – 5 миллион евро ва 122 миллион юанда давлат кафолатисиз кредит олишга эришилди. Шу ўринда, бугунги кунда қуввати 160 мегаваттга тенг Юқори Пскем ГЭС лойиҳасига Америка Қўшма Штатлари молиявий институти томонидан 70 миллион евро, Хитой Халқ Республикасининг молиявий институти банклари томонидан 285 миллион АҚШ доллари миқдорида давлат кафолатисиз кредитлар ажратилиши юзасидан розилик берилган. Ҳозирда ушбу лойиҳалар бўйича келишув устида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бу эса, ўз ўрнида, мамлакатимизда гидроэнергетика соҳасида янги қувватларни ишга туширишга хизмат қилади.

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БАРЧАСИ

## *аҳолининг турмуш даражасини ошириш, замонавий ва қулай муҳит яратишга қаратилган*

**Бугун воҳада, хусусан, Сурхондарё вилоятида амалга оширилаётганислоҳотлар замирида инсон қадрини юксалтириш, ҳудуд аҳолисига қулай ва фаровон муҳит яратишдек эзгу мақсад мужассамлигини кўриш мумкин.**

**Айни пайтда вилоятда бунёдкорлик, тиббий хизматларни такомиллаштириш, туризм ва аҳоли бандлигини ривожлантириш бўйича ҳам кенг кўламли ислоҳотлар жадаллик билан давом этмоқда. Жорий йилда белгиланган ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши эса вилоятни янада ривожланиш йўлига олиб чиқиши шубҳасиз.**



## Ижтимоий ҳимоя тизими янги босқичда



**Сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан ижтимоий ҳимоя тизимида туб ислоҳотлар ўтказилиб, халқаро ташкилотлар тавсиялари ва илғор хорижий тажрибалар асосида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Ушбу агентлик аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини аниқлаш ва манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган янгича ёндашувларни жорий этмоқда. Ана шу ислоҳотлар самараси сифатида яқинда Термиз шаҳрида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармасининг янги замонавий биноси тантанали равишда фойдаланишга топширилди.**



### ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИЯТЛАР ВА ҚУЛАЙ ИШ ШАРОИТИ ЯРАТИЛДИ

Мазкур иншоотни капитал таъмирлаш, тўлиқ қайта жиҳозлаш ва фаолиятга мослаштириш ишлари учун давлат томонидан 5,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Янги бинода ходимлар учун барча зарур иш шароитлари яратилган бўлиб, аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий хизматларни самарали ташкил этиш учун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, электрон навбат тизимлари, қабул хоналари ва инфратузилмалар билан тўлиқ таъминланган. Бу эса фуқароларга тезкор, шаффоф ва юксак сифатли хизмат кўрсатиш имкониятини яратади.

Янги бинога ҳаёт бахшида этиш маросимида Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов, давлат идоралари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар, ижтимоий ҳимоя соҳаси ходимлари, оммавий ахборот воситалари ва фаоллар иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар мазкур иншоотнинг аҳамияти, унда яратилган имкониятлар, жойларда ижтимоий хизматлар сифатини оширишдаги роли ҳақида тўхталиб, бугунги кунда ижтимоий ҳимоя соҳасига қаратилаётган эътибор – халқ фаровонлиги йўлидаги амалий иш эканини таъкидлашди.

### ЯНГИ БОСҚИЧ САРИ ҚАТЪИЙ ҚАДАМ

Сурхондарё вилоятида ижтимоий хизматлар тизимини такомиллаштириш, аҳолининг эҳтиёжларини ўз вақтида ва манзилли тарзда қондириш, жисмоний ва руҳий етишмовчиликка эга фуқаролар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар каби ижтимоий заиф қатламларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида янги бинодан самарали фойдаланилади.

Янги объектнинг фаолияти нафақат маъмурий самарадорликни оширишга, балки аҳолига инсонпарвар ва адолатли ёндашув асосида хизмат кўрсатишнинг янги босқичини бошлашга ҳам туртки беради. Бу каби амалий ишлар мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг яна бир яққол тасдиғидир.

## Замонавий уй-жой қурилиши: ЯНГИЛАНИШЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

**Панжи ТАНГРИЕВ,** Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи.



**Бугун Сурхондарё вилояти ҳам мислсиз бунёдкорликлар туфайли таниб бўлмас даражада ўзгармоқда. Шахсан юртбошимизнинг ташаббус ва эътибори билан амалга оширилаётган бунёдкорликлар туфайли ҳудуд архитектураси билан бир қаторда аҳоли фаровонлигида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй бераётганини кўриш мумкин.**

Шу жумладан, 2017–2024 йиллар давомида амалга оширилган ишлар ва 2025 йил учун белгиланган режалар бу борадаги ишларнинг узлуксизлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, ўтган 7 йилда вилоятда маънан эскирган 35 та икки қаватли уй бузилиб, уларнинг ўрнида 1 400 хонадонли кўп қаватли замонавий уйлар барпо этилди. 2024 йилда Термиз ва Денов шаҳарларида 6 та шундай уйлар бузилиб, 480 хонадонли 5 та уй янгитдан қурилди. 2025 йилда эса 1050 хонадонли 6 та кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилган.

Умуман олганда, 2017 –2024 йилларда вилоятда 22 838 хонадонли 477 та кўп қаватли уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, 2025 йилда эса 156 та уйда 9 200 хонадонли янги турар жойлар қурилиши кўзда тутилмоқда.

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 1 693 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларнинг фақат 32 фоизи марказий ва маҳаллий қозонхоналар ҳамда индивидуал иситиш тизими билан таъминланган. Ўтган йилларда Термиз шаҳридаги РК-5 ва РК-6 қозонхоналари модернизация қилиниб, 56 та уй ва 5 та ижтимоий соҳа муассасалари биринчи марта иссиқлик таъминоти билан қамраб олинди. 2024 йилда давлат дастурлари асосида 65,7 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 9 километрдан зиёд иссиқлик тармоқлари қурилди ҳамда юзлаб хонадон иссиқ сув ва иссиқлик таъминотига эга бўлди. Булардан ташқари, 2025 йилда Сариосиё, Термиз ва Жарқўрғон туманларида янги қозонхоналар ва 11 километрдан зиёд иссиқлик тармоқлари қурилиши кўзда тутилган. Ушбу ишлар натижасида яна 76 та кўп қаватли уй ва 4 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик билан таъминланади.

Булардан ташқари, вилоятнинг кўплаб туманларида "Янги Ўзбекистон" массивлари қурилиши ҳам жадаллик билан давом этяпти. Хусусан, массивларда 2024 йилда 108 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиб, 3750 хонадон фойдаланишга топширилган. Қолганлари бўйича ишлар якунига етказилмоқда. Шу билан бирга, янги массивларда иссиқлик таъминоти тизими ҳам барпо этиляпти.

Сурхондарё вилоятидаги 1 693 та кўп қаватли уйдан 1 201 таси сўнгги 5 йилда тўлиқ таъмирланди. 2025 йилда яна 117 та уйда том, фасад, ертўла ва кириш йўлакларини таъмирлаш, темир эшиклар ва электр шитларини янгилаш режалаштирилган. Шунингдек, "Менинг уйим" биллинг тизимига 1 511 та уй киритилди. 2024 йилда шаҳарсозлик ҳужжатлари янгиланиши асосида 9 та маҳалла ва 4 та шаҳарча учун бош режалар ишлаб чиқилди. Жорий йилда Термиз ва бошқа туман марказлари учун янги бош режалар лойиҳалаштирилиши бошланди.

Шунингдек, инвестиция дастурлари доирасида 2024 йилда 127 та, 2025 йилда эса 88 та ижтимоий ва инфратузилма объектининг қурилиши белгиланган. Улар орасида мактаб, боғча, шифохона ва ирригация иншоотлари ҳам бор.

Албатта, қурилаётган ҳар бир бинонинг жавобгарлиги бор. Уларнинг шаҳарсозлик норма ва қоидаларига мос тарзда қуриб битказилиши доимий назоратга олинган. Бу борада аҳолидан келиб тушаётган мурожаат ва эътирозларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиб, ҳал қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, ўтаётган йилнинг биринчи чорагида вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасига 309 та мурожаат келиб тушган бўлиб, улардан 82 таси ижобий ҳал этилган ҳамда қолганлари бўйича тушунтириш берилган. Шунингдек, 62 та ноқонуний қурилиш ҳолати аниқланиб, барчаси ихтиёрий равишда бартараф этилган.

Қисқача айтганда, Сурхондарё вилоятида қурилиш ва уй-жой коммунал соҳасидаги ислоҳотлар аҳолининг турмуш даражасини ошириш, замонавий ва қулай муҳит яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. 2025 йилда белгиланган кенг кўламли лойиҳаларнинг амалга оширилиши эса янги шаҳарсозлик тамойиллари асосида вилоятни янада ривожланиш йўлига олиб чиқади.

## "Омонхона" санаторийси тўлиқ янгиланмоқда

**Сурхондарё вилоятининг бой тарихий, табиий ва маданий меросга эга ҳудудларидан бири бўлган Бойсун туманида жойлашган "Омонхона" санаторийси қайта қуриш ва тўлиқ модернизация қилиш орқали янги босқичга кўтарилмоқда. Бу йирик лойиҳа нафақат тиббий хизматларни такомиллаштириш, балки ҳудуддаги туризм ва аҳоли бандлигини ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутади.**

"Омонхона" санаторийси Бойсун тумани "Қўнғирот" ҚФЙ Инкобод маҳалласида жойлашган бўлиб, Бойсун – Денов йўлидан 12 километр масофада, денгиз сатҳидан 1300 метр баландликда жойлашган. Ушбу ҳудуд ўзининг сўлим табиати, тоза ҳавоси ва энг муҳими – шифобахш минерал суви билан алоҳида ажралиб туради.

Дастлаб санаторий 2010 – 2014 йиллар давомида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан қурилган икки корпусда 50 ўринга мўлжалланган ҳолда фаолият бошлаган. Аммо кейинги йилларда шифо истаб келувчилар сони ортиши муносабати билан мавжуд инфратузилманинг имкониятлари етарли эмаслиги аниқ бўлди. Ҳозирда мазкур масканда 150 нафаргача бемор мавжуд шароитларда даволанмоқда.

Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад – "Омонхона" санаторийсини тўрт мавсум ишлайдиган, барча замонавий талабларга жавоб берадиган тиббий-маиший мажмуага айлантиришдир. Шу мақсадда 2025- 2026 йилларда умумий қиймати 80 миллиард 660 миллион сўм бўлган кенг кўламли реконструкция ва қурилиш ишлари амалга оширилади. Қурилиш ишлари икки босқичда олиб борилиб, биринчи босқичда 5 қаватли замонавий асосий бино ҳамда икки қаватли янги даволаш биноси барпо этилади. Ичимлик суви чиқарилиб, оқова сувларини тозалаш иншооти ўрнатилади. 300 ўринли замонавий ошхона ва ёпиқ сузиш ҳавзаси ташкил қилинади ва кириш қисмида катта холл, ресепшн ҳамда қабул хоналари жойлашади.

Иккинчи босқичда мавжуд бинолар тўлиқ қайта таъмирланади. Ётоқхоналардаги санитария-гигиена шароитлари яхшиланади, икки кишилик хоналар ташкил қилинади. Даволаш хоналари янги жиҳозлар билан таъминланиб, ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Ҳозирги кунда санаторий йилига 2400 нафар беморга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Қайта қуриш ва модернизация ишларидан сўнг бу кўрсаткич 5 500 нафаргача ошиши кутилмоқда. Шунга мос равишда, доимий фаолият юритувчи ишчи-ходимлар сони ҳам 100 нафарга етказилади. Санаторийда ҳозирда мавсумий равишда 81 нафар мутахассис ишлаб келмоқда. Қишки мавсумда бу соҳада фаолият кучсиз бўлгани учун ходимлар сони 15-16 нафаргача камаяди. Реконструкциядан сўнг эса тўрт фасл ишлашга ўтиш орқали санаторийда доимий иш ўринлари яратилади.

"Омонхона" санаторийси гастроэнтерология, кардиология, неврология ва эндокринология йўналишларига ихтисослашган. Янги биноларда физиотерапия, даволовчи машқлар, маданий ҳордиқ заллари, тадбирлар ўтказиш хоналари каби функционал майдонлар ташкил этилади. Бундан ташқари, санаторий фаолияти маҳаллий аҳоли учун ҳам муҳим иқтисодий манба ҳисобланади – ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш, савдо ва овқатланиш нуқталари орқали аҳолининг даромад манбалари кенгаяди.

## 17 та соғлиқни сақлаш маскани фойдаланишга топширилди

**Юртимизда Президентимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янги босқичга олиб чиқиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда.**

Ана шундай эзгу мақсад йўлида мамлакатимиз бўйлаб бошланган "Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар" дастури тиббиёт инфратузилмасини замонавийлаштириш, мавжуд муассасаларни реконструкция қилиш ва уларни энг сўнгги тиббий жиҳозлар билан таъминлашга қаратилган амалий қадамлардан бири бўлди.

Мазкур дастур намунавий тарзда йўлга қўйилиши учун Сурхондарё вилоятининг Денов тумани пилот ҳудуд сифатида танланди. Туманда қисқа муддатда салмоқли ишлар амалга оширилиб, тиббий хизматлар сифати ва кўлами сезиларли даражада яхшиланди. Бугунги кунда Денов туманида тўлиқ реконструкция қилинган, барча қулайликларга эга 17 та соғлиқни сақлаш маскани аҳолига хизмат кўрсатишга тайёр ҳолатга келтирилиб, фойдаланишга топширилди.

Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов Денов туманидаги 11-сонли оилавий поликлиника очилиш маросимида қатнашиб, шифокорлар ва аҳоли вакиллари билан мулоқот қилди. Шунингдек, шу ернинг ўзида видеоконференцалоқа орқали яна 15 та тиббий масканнинг фаолиятига расман старт берилди.



Вилоят ҳокими шунингдек, 12-сонли оилавий поликлиника очилишида ҳам иштирок этиб, узоқ йиллар тиббиёт соҳасида фаолият юритиб келаётган тажрибали шифокорлар, нуронийлар, ҳудуд фаоллари билан учрашди. Учрашув давомида Президентимиз томонидан аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт тизимини замонавийлаштириш, ҳар бир фуқарога юқори сифатли хизматларни тақдим этишга қаратилган ғамхўрлик сиёсатига чуқур миннатдорчилик изҳор этилди.

Бугунги кунда Денов туманида реконструкция ишлари давом этаётган 2-сонли болалар поликлиникаси, 1-сонли катталар поликлиникаси ҳамда тез тиббий ёрдам бўлимлари биноларида ҳам ишлар жадал суръатда олиб борилмоқда.

Денов туманида бошланган "Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар" дастурининг амалий натижалари – аҳолига сифатли ва қулай тиббий хизматлар кўрсатиш, замонавий шароитларни яратиш борасида юртимизда олиб борилаётган сиёсатнинг яққол ифодасидир. Ушбу тажриба асосида келгусида бошқа ҳудудларда ҳам мазкур дастурни жорий этиш кўзда тутилмоқда.

**Саҳифани Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Ахборот хизмати бош мутахассиси Ғайрат БЎРИЕВ тайёрлади.**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№55 (908) 2025 йил 18 июль

# АРНАСОЙДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА ОБЪЕКТЛАР БАРПО ЭТИЛМОҚДА

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“Ozbekiston bunyodkori” мухбири.

**Жорий йилги давлат дастурига биноан, Жиззах вилоятининг чекка ҳудудларидан бири ҳисобланган Арнасой туманида янгиланишлар бошлаб юборилган.**



Ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, инфратузилмани янгилаш ва ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш ҳисобига иш ўринлари яратиш юзасидан тадбирлар олиб борилмоқда. Эскирган кўп қаватли турар жойлар реконструкция қилиниб, аҳолига қулай шароитлар яратиляпти. Ичимлик суви, табиий газ ҳамда электр таъминоти масаласи қайта кўриб чиқилиб, кўчалар ва ички йўлларда таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Бир вақтнинг ўзида аҳолига хизмат кўрсатишга мослашган савдо тармоқлари ишга туширилмоқда.

Жумладан, учта объектда амалга оширилаётган катта ҳажмдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари яқин орада Арнасой туманини сайёҳларнинг серқатнов масканига айлантириши шубҳасиз. Лойиҳага кўра, Айдар-Арнасой кўллари ҳудудида Айдаркўл тиббиёт маркази ва замонавий лойиҳага асосланган меҳмонхона мажмуаси ҳамда аэропорт қурилмоқда. Мазкур мажмуалар фойдаланишга топширилгач, янги иш ўринлари кўпайиши қаторида вилоятда сайёҳлик салоҳияти янада ортиши турган гап. Ушбу объектлардаги қурилиш жараёнига 100 дан ортиқ турли русумдаги замонавий техника воситалари жалб қилинган ва 250 нафар маҳаллий ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлган.

Бунёдкорлик соҳасида катта тажриба тўплаган қурувчиларнинг саъй-ҳаракати билан меҳмонхона мажмуаси жорий йилнинг август ойида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. Аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш, табиий шифобахш балчиқ билан даволаш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилган лойиҳа бўйича қурилаётган тиббиёт маркази эса йил охиригача қуриб битказилиши режалаштирилган. Айни пайтда ҳар иккала объектда ишлар қизғин паллага кирган, қурувчилар туну кун меҳнат қилишмоқда.

Учинчи ва муҳим стратегик объектлардан бири ҳисобланган аэропорт қурилиши лойиҳаси ҳам жадаллик билан давом этмоқда. Туманнинг “Бахмал” фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Наврўз қишлоғидан бошланган ва умумий майдони 45 гектар майдондан иборат бўлган бу объект келажакда бутун минтақа иқтисодиёти ҳамда сайёҳлик салоҳиятини юқори даражага кўтаришга мўлжалланган. Бўлажак аэропортга олиб борувчи йўлларни қуриш, ён-атрофини ободонлаштириш алоҳида назоратга олинган. Учиш-қўниш йўлаклари ATP 72-600 русумли самолётларга мослаштирилган ва бир суткада иккита рейсни қабул қилади. Бу муҳим лойиҳа транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш баробарида, ҳудудда ўз тадбиркорлик фаолиятини бошловчилар ва сайёҳларга ҳам қулай шароитлар яратади.

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси мутахассислари маълумотига кўра, Арнасойда аэропорт, меҳмонхона, турар жой ва бошқа иншоотларнинг бунёд этилаётгани натижасида туман қиёфаси тамоман ўзгариб, унинг логистика қуввати ҳам ошади. Қолаверса, аҳоли учун ҳам даромадли ва доимий иш ўринлари яратилмоқда.

# A-380 халқаро йўлининг Бухоро орқали ўтувчи қисми янгиланмоқда

**Зулфизар МАВЛОНОВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Манзилга ўнқир-чўнқирларга тушмасдан, хотиржам ва муаммосиз етиб олиш учун ҳайдовчининг малакали бўлишидан ташқари йўлнинг сифати биринчи ўринда туради. Шуни инобатга олган ҳолда, юртимизда автотранспорт ҳаракати хавфсизлиги ва қулайлигини таъминлаш, йўл инфратузилмасини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш мақсадида қатор йўллар босқичма-босқич реконструкция қилинмоқда.**



Улардан бири – A-380 “Ғузор – Бухоро – Нукус – Бейнеу” халқаро аҳамиятга эга автомобиль йўли ҳисобланади. Бу лойиҳа нафақат Бухоро вилоятида, балки мамлакат миқёсида транспорт алоқаларини ривожлантириш, иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Йўл барпо этилаётган ҳар бир метр – тараққиёт, барқарорлик ва эртанги кунимиз равнақига хизмат қилади.

Айни пайтда мазкур трассанинг 150 – 228 километр оралиғида қайта қуриш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бундан ташқари, мазкур йўналиш бўйича умумий 78 километр узунликдаги йўлни реконструкция қилиш ҳам режалаштирилган. Ушбу лойиҳа Қоровулбозор, Бухоро ва Когон туманлари, шунингдек, Когон ҳамда Бухоро шаҳарларини қамраб олган. Йўл инфратузилмасини янгилаш билан бир қаторда, унинг атрофидаги ҳудудларни ҳам ободонлаштириш, яшаш ва ҳаракат қилиш учун қулай муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, йўл бўйлаб кўп қаватли турар жойлар, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари, турли мақсадларга мўлжалланган инфратузилма иншоотлари қурилаётгани бунинг яққол исботидир. Қолаверса, мазкур ҳудуддан ўтувчи суғориш тармоқларини таъмирлаш, пиёдалар учун махсус йўлаклар қуриш, йўл атрофини ободонлаштириш ва умумий муҳитни яхшилаш борасидаги ишлар ҳам кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Бу ўз навбатида, фуқароларнинг ҳам кўркам, ҳам хавфсиз йўлларда ҳаракатланиши учун замин яратади. Йўлларнинг равонлиги ва кенглиги, ер ости ва усти қувурларининг тўғри жойлашуви йўловчи ва ҳайдовчиларнинг бехатар эканликларини яна бир карра кафолатлайди.

# “Асов дарё”га понтон кўприк қурилди

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2019 йил 4 сентябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг махсус қарори асосида Бўзатов тумани ташкил этилган эди.**

Натижада ўтган йиллар мобайнида туманда кўп қаватли уйлар, савдо мажмуалари, минг ўринли амфитеатр, замонавий стадион, Ёшлар маркази ва бошқа кўплаб объектлар фойдаланишга топширилиб, аҳоли турмуш шароити анча яхшиланди.

Нукусдан Кегейли тумани устидан Бўзатовга олиб борувчи гузар йўллар асфальтланиб, туман ҳудудидаги ички йўллар қайта таъмирланди. Лекин Бўзатовга қўшни саналган Қўнғирот ва Мўйноқ туманларига бориш учун ўртасидан оқиб ўтиб турган Амударёда кўприк бўлмагани сабабли, Бўзатов аҳолиси учун анча қийинчилик туғдириб келаётган эди.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Бўзатов тумани ҳокимлигининг олиб борган амалий ишлари натижасида, “Аспантай” овул фуқаролар йиғинига қарашли Порлитов аҳоли пункти ёнидан оқиб ўтувчи Амударёга понтон кўприги қурилиб, фойдаланишга топширилди.

– Аҳоли ён қўшинлари – Қўнғирот ва Мўйноқ тумани аҳолиси билан борди-келди қилишда кўп қийинчиликларга учрар эди, – деди “Аспантай” овул фуқаролар йиғини оқсоқоли Анвар Тўрабоев. – Энди муаммолар ўз ечимини топиб, халқимизнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлди. Бунинг учун муҳтарам Президентимиз республикамиз раҳбариятига катта раҳмат айтамиз.

Дарҳақиқат, азалдан халқимизда йўл ва кўприк қуриш жуда савобли иш ҳисобланган. Шунинг учун бу ишларни амалга оширган инсонларга қанча раҳмат айтсанг арзийди. Айниқса, халқимиз томонидан “Асов дарё”, “Ўғиз дарё”, “Жайҳун дарё” деб аталадиган Амударёга понтон кўприк қурилиши аҳолини чексиз қувончига сабаб бўлмоқда. Бундай бунёдкорлик ишлари туман ҳудудида ҳамон давом этмоқда.

# Davlat mulkini xususiylashtirishda RUMINIYA TAJRIBASI

**Qahramon CHINQULOV,** Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti dotsenti, PhD.

**Xususiylashtirish faqat mulkchilik shaklining o‘zgarishini emas, balki iqtisodiyotda raqobatni kuchaytirish, korxonalarda samarali boshqaruv tizimini joriy etish, xalqaro investitsiyalarni jalb qilish va davlat byudjeti barqarorligini ta’minlash kabi ko‘plab strategik vazifalarni ham qamrab oladi. Qayd etish lozimki, hukumat tomonidan ko‘rilayotgan chora-tadbirlar hali kutilgan samarani bermadi. Shu bois, yuksak natijalar haqida so‘zlashga hozircha erta. Holbuki, mamlakatning iqtisodiy farovonligi xususiylashtirishning muvaffaqiyatli o‘tkazilishiga bog‘liq hisoblanadi.**

Xalqaro amaliyotdan xususiylashtirish borasida muvaffaqiyatli misollar keltirish mumkin. Xususan, biz, xususiylashtirish jarayonini rivojlantirish uchun shart-sharoitlar O‘zbekistonnikiga juda o‘xshash bo‘lgan Ruminiya tajribasiga e’tibor qaratmoqchimiz.

Ruminiya davlati 2000-yillarning boshidan Yevropa mamlakatlariga eksport hajmining oshishi hisobiga 2000-yildagi 37 milliard AQSH dollaridan 2005-yilda 98 milliard AQSH dollarigacha yoki jon boshiga taxminan 1700 dollardan 4500 dollardan ko‘proqqacha yalpi ichki mahsulotning keskin o‘sishiga erishdi. Inflyatsion targetlash tizimi joriy etildi, bank sektorini xususiylashtirish boshlandi, soliq islohoti amalga oshirildi, pensiya va sog‘liqni saqlash tizimini isloh qilish faol muhokama qilindi. Shu bilan birga, davlat ulushi yuqori, korxonalar samarasiz, korrupsiya bilan bog‘liq jiddiy muammolar mavjud edi, mahalliy kapital bozori rivojlanmagandi.

2005-yilda mamlakat hukumati tomonidan “Fondul Proprietatea” maxsus investitsiya fondi tuzildi, unga 80 ta korxonaning davlat ulushlarining bir qismi kiritildi. Strategik muhim obyektlar hisoblangan elektr energiyasi va gaz ishlab chiqarish hamda taqsimlash obyektlari (atom elektr stansiyalari ham), Qora dengizdagi dengiz portlari, aeroportlar va boshqa korxonalar shular jumlasidandir. Shuni ta’kidlash kerakki, aksariyat hollarda xususiylashtirishga to‘g‘ri keladigan to‘liq nazorat paketlari emas, balki minoritar ulushlar kiritildi, buning natijasida korxonaning nazorati davlat ixtiyorida qoldi.

Tasdiqlash, baholash va boshqa qonun hujjatlariga bir necha yil sarflandi hamda 2008-yilda bunday fond uchun xalqaro menejerni tanlash jarayoni boshlandi. 2009-yilda 30 dan ortiq investitsiya kompaniyalari o‘rtasida o‘tkazilgan tender g‘olibi Franklin Templeton kompaniyasi bo‘ldi. Mazkur kompaniya 1,4 trillion dollarlik aktivlarni boshqarayotgan va 70 yildan ortiq tarixga ega dunyodagi eng yaxshi 20 ta menejment kompaniyalaridan biri hisoblanadi. Yaxshi obro‘ga ega bo‘lgan yirik xalqaro o‘yinchini jalb qilish, mablag‘lar va kompaniyalarni samarali boshqarish tajribasi hamda keng mijozlar bazasi darhol mamlakatni xalqaro investorlar ro‘yxatiga kiritishga yordam berdi.

Bundan tashqari, kompaniya Buxarestda Qo‘shma Shtatlardan tashqarida eng yirik ofisni yaratdi va u yerda bir necha o‘nlab mahalliy hamda xorijiy mutaxassislarni jalb qildi, bilim, tajriba va nou-xauni mahalliy bozorga o‘tkazishni ta’minladi. “Franklin Templeton” mahalliy va xalqaro miqyosda muntazam konferensiyalar hamda tahlilchilar uchrashuvlarini o‘tkazish amaliyotini boshladi, ularga kompaniya rahbariyati va hukumat amaldorlari investorlar bilan ochiq muloqot qilish uchun taklif qilindi.

2011-yildayoq “Fondul Proprietatea” xususiylashtirish jamg‘armasi mahalliy fond birjasida ro‘yxatga olindi, bu aksiyadorlarga birjada aksiyalarni erkin sotish va yangi investorlarga ularni sotib olish imkoniyatini berdi. Bu avvallari alohida davlat korxonalari aksiyalariga mustaqil ravishda investitsiya kiritishga ishonchi yo‘q bo‘lgan butun mamlakat aholisiga yirik milliy korxonalar kapitalida ishtirok etish imkoniyatini berdi. Shuningdek, xorijiy institutsional portfel investorlar uchun ko‘pgina kompaniyalar investitsiyalar uchun kichik yoki juda riskli bo‘lib ko‘rinardi. Mazkur investorlar uchun fond birjasida yetarli hajm, boshqaruv sifati, hisobdorlik va likvidlikka ega bo‘lgan fond aksiyalariga investitsiya qilish imkoniyati tug‘ildi.

2015-yilda London fond birjasida fondning Global depozit tilxatlari (GDR) listinggi amalga oshirildi, bu Ruminiya kompaniyalarining kapitaliga to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalarni jalb qilishning eng yiriklaridan biri bo‘ldi. Jamg‘arma tomonidan jalb qilingan mablag‘lar portfel kompaniyalarning investitsiya loyihalarini moliyalashtirishga sarflandi. Moliyalashtirishda ichki tanlovlar va ularning samaradorligini aniq KPI va boshqaruv yo‘riqnomalarini joriy etish hisobga olindi.

Kompaniya muvaffaqiyatining eng muhim tarkibiy qismi – bu shartnoma muddati bir necha bor uzaytirilgan menejerning sifatli ishi hisoblanadi. Menejerning aynan mustaqil xalqaro maqomi unga kompaniyaning kuzatuv kengashidagi nazoratsiz aksiya ulushlarini boshqarish va kuzatuv kengashidagi o‘rinlarining bir qismiga ega bo‘lib, katta muvaffaqiyatlarga erishish, korrupsion ta’sirlarga qarshi kurashish va aksiyadorlar sifatida davlat va aholi manfaatlarini himoya qilish imkonini beradi.

Xususan, boshqaruvchilarning xatti-harakatlari elektr energiyasi va gaz taqsimlash sohasidagi korrupsion sxemalarni fosh etish va ularga chek qo‘yish, portfel kompaniyalari foydasini 6-7 yil ichida 10-15 barobar, dividendlar daromadini deyarli ikki baravar oshirish imkonini berdi. Yanada samarali boshqariladigan fond kompaniyalari mahalliy va xorijiy birjalarda obligatsiyalar va aksiyalarni chiqarish orqali qarzli hamda ulushli moliyalashtirishni jalb qilish uchun kapital bozoriga mustaqil ravishda chiqish imkoniyatiga ega bo‘ladilar.

Ruminiyada “Fondul Proprietatea” fondi orqali davlat mulkini xususiylashtirish sxemasining asosiy afzalliklari quyidagilardan iborat:

- transformatsiya jarayoni tugagandan so‘ng ularni keyinchalik ham tasarruf qilish uchun korxonalar ustidan davlat nazoratini saqlab qolish;
- davlat organlaridan favqulodda yukni olib tashlash va davlatning xususiylashtirish natijasida samarali natijalarga erishishiga to‘sqinlik qiladigan davlat organlarining aralashuvini cheklash;
- aholi, mahalliy va xalqaro portfel investorlarning respublikaning “milliy boyligi” hisoblangan mamlakatning yirik kompaniyalari kapitalida ishtirok etish imkoniyati;
- korxonalarning boshqaruv sifati, shaffofligi va moliyaviy faoliyatini yaxshilash, davlat kompaniyalarida mablag‘larning sarflanishi ustidan nazoratni kuchaytirish;
- davlat kafolatisiz mamlakat iqtisodiyotiga yirik xalqaro investorlarning e’tiborini va moliyalashtirishni jalb qilish, bank kreditlariga muqobil moliyalashtirish manbalarini yaratish.

Umuman, Ruminiya tajribasi shuni ko‘rsatadiki, davlat mulkini xususiylashtirishning innovatsion modeli sifatida alohida investitsiya fondi – “Fondul Proprietatea” orqali amalga oshirilgan yondashuv yuqori natijalar berdi. Mazkur model davlatga nazoratni saqlab qolgan holda korxonalarda korporativ boshqaruvni kuchaytirish, shaffoflikni oshirish, yirik xalqaro investorlarni jalb qilish va kapital bozorini rivojlantirishga xizmat qildi. O‘zbekiston ham ushbu ssenariyni o‘z amaliyotida tatbiq etmoqda.

2024-yilda tashkil etilgan “O‘zbekiston Respublikasi milliy investitsiya jamg‘armasi” AJ ushbu yo‘nalishda strategik qadam bo‘lib, Franklin Templeton kompaniyasiga ishonchli boshqaruv topshirilgani mamlakatimizda xususiylashtirishning sifat jihatdan yangi bosqichiga o‘tilayotganini anglatadi. Ruminiya modeli asosida ishlab chiqilgan bu yondashuv O‘zbekistonda davlat ishtirokidagi yirik korxonalarni bosqichma-bosqich ochiq bozorga chiqarish, ularni transformatsiya qilish va investitsion jozibadorligini oshirish uchun muhim asos bo‘lib xizmat qiladi degan umiddamiz.

**ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

## “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

**очиқ танлов савдоларига таклиф этади!**

**“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2025 йил 11 июлдаги 296-сонли буюртманомасига асосан, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган қуйидаги савдо шохобчаларнинг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

“Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган, савдо шохобчаси 12-15-46-сонли 1 дона, **савдо шохобчасининг майдони** – 9,00 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчасининг бошланғич баҳоси** – 144 000 000 сўм.

| № | Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|
| 1. | **12-15-46**-сонли, умумий майдони **9,0 м²** бўлган савдо шохобчаси | 144 000 000 |
| 2. | **45-15**-сонли, умумий майдон **13,30 м²** бўлган савдо шохобчаси | 106 400 000 |
| 3. | **37-43А**-сонли, умумий майдони **15,00 м²** бўлган савдо шохобчаси | 75 000 000 |

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2025 йил 15 август куни соат 16.00 гача.

**Талабгорларнинг таклифлари 2025 йил 19 август куни соат 11.00 дан** бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2025 йил 1, 15, 29 сентябрь ва 14, 28 октяюрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишади:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

**жисмоний шахслар** – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

**Талабгорлар ижарага олиш хуқуқининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт:** 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-82.

## “Нишон пахта тозалаш” АЖ

**АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

“Нишон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2025 йил 8 август куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 11.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, “Ёшлар диёри” МФЙда жойлашган “Нишон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 бошланади.

**Жамиятнинг расмий веб-сайти:** www.nishonpaxta.uz

**КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:**

1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятни ихтиёрий тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш.
3. Жамият балансидаги узоқ муддатдан буён сотилмасдан турган, “Ширинобод” МФЙда жойлашган **Ҳашарчилар уйи** амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда сотилмаган тақдирда, Нишон тумани ҳокимлиги ёки Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қашқадарё вилояти бошқармаси балансига топшириш.
4. Жамият томонидан бошқа хўжалик жамиятлари устав капиталига киритилган улушлар бўйича харажатларни, узоқ йиллардан буён ундириш имконияти бўлмаётган корхона балансидаги камомад ва зарар суммаларини, фуқароларнинг намунали уй-жойдан бўлган қарздорликларини, умидсиз дебитор ва кредитор қарздорлик суммаларини, фойдаланишга яроқсиз бўлган товар-моддий бойликлар суммаларини амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш ҳамда 2025 йил молия-хўжалик фаолияти давомида корхона харажатларига олиб бориш, бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.

**Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана** – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2025 йил 17 июль ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2025 йил 4 август ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Нишон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

**Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, “Ёшлар диёри” МФЙ.

**Тел.:** 99-416-28-63, 97-312-17-71.

**Электрон почта:** nishon-paxta@umail.uz

**“Нишон пахта тозалаш” АЖ ижроия органи.**

# Правительство Республика Узбекистан

**получило кредит от Всемирного банка (Банка) на реализацию проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей по контракту на выполнение проектно-изыскательских работ и разработку рабочего проекта под ключ по следующим объектам:**

| № | Наименование объекта | Номер контракта | Стартовая стоимость работ (сум без НДС) | Срок выполнения работ (календарных дней) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Улучшение электроснабжения в МСГ "Фаровон" Улугнарского района, МСГ "Якка тол" и МСГ "Янги кишлок" Бустанского района Андижанской области | MOEI-RIDP-AND-CS-128 | 38 955 800 | 35 |

## Инжиниринговая компания СЕЗ Андижанского областного хокимията (далее именуемый "Заказчик")

приглашает проектные организации представить объединенные технические и финансовые предложения по предоставлению следующих консультационных услуг: выполнение проектно-изыскательских работ и разработку рабочего проекта под ключ по вышеуказанным объектам. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка" и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные проектные организации могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации государственных закупок в сфере строительства Андижанской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет – 375 000 сум.

**Технические и финансовые предложения должны быть представлены в Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по следующему адресу:** г. Андижан, ул. А. Навои, 30 (здание главного управления строительства, 1-этаж, кабинет, 103) не позднее 16.00, 1 августа 2025 года.

**Подача предложений:**
а) заявки должны быть представлены в форме, прилагаемой в тендерной документации;
b) **цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС;**
c) **крайний срок подачи заявок** – 01.08.2025 года, 16.00.
d) **организация для подачи заявок:** Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства.

**Адрес:** г. Андижан, ул. А. Навои, 30 (здание главного управления строительства, 1-этаж, кабинет, 103).
**Адрес электронной почты:** andijon.tender@mail.ru

**Ответственный представитель консалтингового центра:** М. Топволдиев.

Предложения должны быть получены нарочно по адресу и не позднее указанной выше даты и времени. Предложения, поступившие после истечения крайнего срока подачи, не будут рассматриваться. Любое предложение, полученное после истечения крайнего срока подачи, объявляется опоздавшим, отклоняется и возвращается участнику торгов нераспечатанным.

# "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

**бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!**

**Савдога "LOMBARD TASHKREDIT" МЧЖнинг 2025 йил 17 июлдаги 91-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Яшнобод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2025 йил 7 июлдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 1-уй, 115-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлар номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 14526 | Кулон 1 шт., о.в. 5,60 гр., ч.в. 3,80 гр., 585 пр. | 2 589 330,00 |
| 2. | 14632 | Кольца 2 шт., о.в. 4,07 гр., ч.в. 4,07 гр., 585 пр. | 2 224 160,46 |
| 3. | 14764 | Кольцо и серьги 1 комплект, о.в. 4,72 гр., ч.в. 4,40 гр., 585 пр. | 3 035 427,81 |
| 4. | 14772 | Браслет 1 шт. с дефектом, кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 4,15 гр., ч.в. 3,95 гр., 585 пр. | 2 444 455,60 |
| 5. | 14828 | Браслет 1 шт. с дефектом, о.в. 15,79 гр., ч.в. 15,49 гр., 750 пр.; серьги 3 пары, кольцо 1 шт., о.в. 11,09 гр., ч.в. 9,09 гр., 585 пр. | 17 179 719,30 |
| 6. | 14838 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., кольцо 1 шт., о.в. 6,53 гр., ч.в. 6,23 гр., 585 пр. | 4 241 531,63 |
| 7. | 15156 | Цепь 1 шт. с дефектом, о.в. 5,42 гр., ч.в. 5,42 гр., 585 пр. | 3 606 108,62 |
| 8. | 15263 | Подвеска 1 шт., о.в. 1,94 гр., ч.в. 1,74 гр., 585 пр. | 1 249 666,00 |
| 9. | 15358 | Серьги 1 пара, о.в. 3,33 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 2 163 918,00 |
| 10. | 15505 | Кольца 3 шт. с дефектом, о.в. 7,45 гр., ч.в. 6,25 гр., 585 пр. | 4 442 715,25 |
| 11. | 15655 | Браслет 1 шт., кольцо 1 шт., о.в. 7,01 гр., ч.в. 7,01 гр., 585 пр. | 3 995 362,44 |
| 12. | 15792 | Кольца 2 шт., о.в. 9,30 гр., ч.в. 7,00 гр., 585 пр. | 4 174 020,00 |
| 13. | 16088 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,32 гр., ч.в. 3,32 гр., 585 пр. | 2 049 990,00 |
| 14. | 16333 | Подвеска 1 шт., браслет 1 шт., о.в. 7,72 гр., ч.в. 6,20 гр., 750 пр.; кольца 2 шт., серьги 1 пара, о.в. 11,65 гр., ч.в. 11,50 гр., 585 пр. | 14 809 010,94 |
| 15. | 16380 | Кольцо и серьги 1 комплект, кольцо 1 шт., о.в. 9,12 гр., ч.в. 8,60 гр., 585 пр. | 6 006 527,54 |
| 16. | 16442 | Цепь 1 шт., о.в. 13,14 гр., ч.в. 13,14 гр., 585 пр. | 7 156 586,36 |
| 17. | 16449 | Кольцо 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 5,47 гр., ч.в. 5,47 гр., 585 пр. | 3 599 489,58 |
| 18. | 16949 | Браслет 1 шт., кольцо 1 шт., о.в. 30,48 гр., ч.в. 30,30 гр., 585 пр. | 24 069 000,00 |
| 19. | 17011 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 2,97 гр., ч.в. 2,97 гр., 585 пр. | 1 473 194,15 |
| 20. | 17157 | Цепь 1 шт. с дефектом, кулон 1 шт. с дефектом, серьги 1 пара, о.в. 12,91 гр., ч.в. 12,71 гр., 585 пр. | 8 016 060,00 |
| 21. | 17158 | Серьги 1 пара, о.в. 3,62 гр., ч.в. 3,22 гр., 585 пр. | 2 087 221,88 |
| 22. | 17159 | Браслет 1 шт., о.в. 14,73 гр., ч.в. 14,73 гр., 585 пр. | 11 231 037,86 |
| 23. | 17312 | Кольца 2 шт., серьги 1 пара, колье 1 шт., часы 1 шт., о.в. 55,70 гр., ч.в. 29,90 гр., 585 пр. | 23 846 562,65 |
| 24. | 17338 | Браслет 1 шт., о.в. 6,95 гр., ч.в. 6,95 гр., 750 пр. | 6 901 020,00 |
| 25. | 17399 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,60 гр., ч.в. 2,60 гр., 585 пр. | 2 480 250,00 |
| 26. | 17446 | Цепь 1 шт. с дефектом, о.в. 5,00 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр. | 3 389 250,00 |
| 27. | 17449 | Кольцо с дефектом 2 шт., о.в. 4,82 гр., ч.в. 4,20 гр., 585 пр. | 3 843 750,00 |
| 28. | 17476 | Кольцо 1 шт., серьги 3 пары, о.в. 18,16 гр., ч.в. 14,80 гр., 585 пр. | 13 388 250,00 |
| 29. | 17509 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,15 гр., ч.в. 1,90 гр., 585 пр. | 1 722 750,00 |
| 30. | 17511 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 2,26 гр., ч.в. 2,26 гр., 585 пр. | 2 101 500,00 |
| 31. | 17603 | Цепь 1 шт. с дефектом, браслет 1 шт. с дефектом, кольцо 1 шт., о.в. 19,78 гр., ч.в. 19,50 гр., 585 пр. | 17 781 750,00 |
| 32. | 17626 | Серьги 1 пара, о.в. 3,19 гр., ч.в. 2,59 гр., 585 пр. | 1 722 750,00 |
| 33. | 17738 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,10 гр., ч.в. 1,70 гр., 585 пр. | 798 600,00 |
| 34. | 17785 | Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 1,75 гр., ч.в. 1,30 гр., 585 пр. | 1 091 500,00 |
| 35. | 17874 | Цепь 1 шт. с дефектом, о.в. 3,90 гр., ч.в. 3,90 гр., 585 пр. | 3 540 750,00 |
| 36. | 17979 | Цепь 1 шт. с дефектом, браслет 1 шт. с дефектом, кольца 7 шт. с дефектом, серьги 1 пара, о.в. 32,34 гр., ч.в. 31,30 гр., 585 пр. | 28 462 500,00 |
| 37. | 17998 | Кольцо 1 шт., серьги 1 пара, браслеты 2 шт., подвеска 1 шт., о.в. 21,36 гр., ч.в. 20,70 гр., 585 пр. | 18 842 250,00 |
| 38. | 18087 | Кольца 2 шт., серьги 1 пара, браслет 1 шт., цепь 2 шт., кулон 1 шт., о.в. 34,11 гр., ч.в. 34,00 гр., 585 пр. | 28 462 500,00 |
| 39. | 18138 | Кольцо с дефектом 1 шт., о.в. 3,75 гр., ч.в. 3,40 гр., 585 пр. | 2 328 750,00 |
| 40. | 18149 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,02 гр., ч.в. 2,30 гр., 585 пр. | 2 101 500,00 |
| 41. | 18151 | Серьги 1 пара, о.в. 2,06 гр., ч.в. 1,65 гр., 585 пр. | 1 495 500,00 |
| 42. | 18340 | Серьги 1 пара, о.в. 6,28 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 2 783 250,00 |
| 43. | 18381 | Серьги 2 пары, серьга 1 шт. без пары, кольца 2 шт., о.в. 10,75 гр., ч.в. 9,05 гр., 585 пр. | 7 176 750,00 |
| 44. | 18464 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,74 гр., ч.в. 1,74 гр., 585 пр. | 1 631 850,00 |
| 45. | 18469 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,47 гр., ч.в. 2,47 гр., 585 пр. | 2 253 000,00 |
| 46. | 18548 | Браслет 1 шт., о.в. 26,37 гр., ч.в. 26,00 гр., 750 пр. | 25 508 250,00 |
| 47. | 18620 | Цепь 1 шт. с дефектом, о.в. 3,41 гр., ч.в. 3,41 гр., 585 пр. | 3 086 250,00 |
| 48. | 18659 | Кольцо 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 4,67 гр., ч.в. 4,40 гр., 585 пр. | 3 995 250,00 |
| 49. | 18698 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,11 гр., ч.в. 3,11 гр., 585 пр. | 2 783 250,00 |
| 50. | 18700 | Серьги 1 пара, о.в. 3,26 гр., ч.в. 3,26 гр., 585 пр. | 2 934 750,00 |
| 51. | 18722 | Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 4,22 гр., ч.в. 4,10 гр., 585 пр. | 3 768 000,00 |
| 52. | 18770 | Кольца 3 шт., о.в. 10,43 гр., ч.в. 10,00 гр., 585 пр. | 9 146 250,00 |
| 53. | 18793 | Серьги 1 пара, о.в. 6,88 гр., ч.в. 5,60 гр., 585 пр. | 5 055 750,00 |
| 54. | 18816 | Кольцо 1 шт., о.в. 10.59 гр., ч.в. 5,50 гр., 585 пр. | 5 055 750,00 |
| 55. | 18867 | Серьги 1 пара, цепь 1 шт., о.в. 11.21 гр., ч.в. 11.00 гр., 585 пр. | 10 055 250,00 |
| 56. | 18868 | Браслет 1 шт., кольцо 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 10,05 гр., ч.в. 9,65 гр., 585 пр. | 8 843 250,00 |
| 57. | 18891 | Кольцо 1 шт., о.в. 4,27 гр., ч.в. 4,27 гр., 585 пр. | 3 843 750,00 |
| 58. | 18894 | Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 1,41 гр., ч.в. 1,41 гр., 585 пр. | 1 116 750,00 |
| 59. | 18897 | Серьги 1 пара, цепь 1 шт., о.в. 12,86 гр., ч.в. 12,30 гр., 585 пр. | 7 631 250,00 |
| 60. | 18929 | Серьги 2 пары, браслет 1 шт., о.в. 20,35 гр., ч.в. 19,00 гр., 585 пр. | 17 478 750,00 |
| 61. | 18962 | Кольцо 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 2,57 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр. | 1 798 500,00 |
| 62. | 18992 | Кольца 2 шт. с дефектом, о.в. 3,50 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 2 783 250,00 |
| 63. | 19024 | Кольца 2 шт., серьги 1 пара, о.в. 4,65 гр., ч.в. 3,30 гр., 585 пр. | 3 010 500,00 |
| 64. | 19060 | Серьги 1 пара, о.в. 19,97 гр., ч.в. 8,00 гр., 585 пр. | 7 328 250,00 |
| 65. | 19122 | Кольца 2 шт., серьги 1 пара, о.в. 10,66 гр., ч.в. 10,00 гр., 585 пр. | 9 146 250,00 |
| 66. | 19267 | Кольцо 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 11,70 гр., ч.в. 8,70 гр., 585 пр. | 7 934 250,00 |
| 67. | 19274 | Серьги 1 пара, о.в. 2,24 гр., ч.в. 2,10 гр., 585 пр. | 1 950 000,00 |
| 68. | 19281 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,84 гр., ч.в. 3,40 гр., 585 пр. | 2 707 500,00 |
| 69. | 19324 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,28 гр., ч.в. 3,18 гр., 585 пр. | 1 950 000,00 |
| 70. | 19348 | Кулон 1 шт., о.в. 1,61 гр., ч.в. 1,61 гр., 585 пр. | 1 495 500,00 |
| 71. | 19353 | Серьги 2 пара, браслет 1 шт. с дефектом, кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 19,61 гр., ч.в. 14,50 гр., 585 пр. | 12 933 750,00 |
| 72. | 19366 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,97 гр., ч.в. 1,60 гр., 585 пр. | 1 495 500,00 |
| 73. | 19495 | Серьги 1 пара, кольцо 1 шт., о.в. 4,60 гр., ч.в. 4,00 гр., 585 пр. | 3 692 250,00 |
| 74. | 19558 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,29 гр., ч.в. 1,29 гр., 585 пр. | 1 192 500,00 |
| 75. | 19711 | Кольцо 1 шт., о.в. 8,57 гр., ч.в. 8,27 гр., 585 пр. | 3 237 750,00 |
| 76. | 19965 | Кольцо 1 шт., о.в. 4,01 гр., ч.в. 3,50 гр., 585 пр. | 3 237 165,21 |
| 77. | 20010 | Кольцо и серьги 1 комплект, о.в. 10,00 гр., ч.в. 10,00 гр., 585 пр. | 9 146 250,00 |
| 78. | 20043 | Серьги 1 пара, кольца 2 шт., о.в. 9,39 гр., ч.в. 9,00 гр., 585 пр. | 5 813 250,00 |
| 79. | 20178 | Браслет 1 шт. с дефектом, о.в. 2,35 гр., ч.в. 2,35 гр., 585 пр. | 1 571 250,00 |
| 80. | 20314 | Кольцо и серьги 1 комплект, серьги 1 пара, о.в. 10.40 гр., ч.в. 8,20 гр., 585 пр. | 6 646 500,00 |
| 81. | 20401 | Цепь 1 шт., о.в. 5,71 гр., ч.в. 5,71 гр., 585 пр. | 5 207 250,00 |
| 82. | 20431 | Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 2,40 гр., ч.в. 2,40 гр., 585 пр. | 3 692 250,00 |
| 83. | 20491 | Перстень 1 шт., о.в. 7,75 гр., ч.в. 7,75 гр., 585 пр. | 5 207 250,00 |
| 84. | 20623 | Серьги и кольцо 1 комплект, серьги 1 пара, о.в. 10,98 гр., ч.в. 10,00 гр., 585 пр. | 9 146 250,00 |
| 85. | 20630 | Цепь 1 шт., о.в. 3,53 гр., ч.в. 3,53 гр., 585 пр. | 3 237 750,00 |
| 86. | 20653 | Серьги 1 пара, о.в. 1,30 гр., ч.в. 0,90 гр., 585 пр. | 813 750,00 |
| 87. | 20660 | Кулон 1 шт., цепь 1 шт., о.в. 8,20 гр., ч.в. 8,20 гр., 585 пр. | 5 207 250,00 |
| 88. | 20690 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,59 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 4 601 250,00 |
| 89. | 20744 | Серьги 1 пара, кольцо 1 шт., о.в. 6,69 гр., ч.в. 5,80 гр., 585 пр. | 5 207 250,00 |
| 90. | 20754 | Цепь 1 шт., о.в. 14,66 гр., ч.в. 14,66 гр., 585 пр. | 13 388 250,00 |
| 91. | 20855 | Кольцо 1 шт., о.в. 7,46 гр., ч.в. 7,46 гр., 750 пр. | 7 631 250,00 |
| 92. | 20912 | Кольцо и серьги 1 пара, кольцо 1 шт., браслет 1 шт., о.в. 21,31 гр., ч.в. 20,50 гр., 585 пр. | 18 690 750,00 |
| 93. | 20938 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,10 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 2 783 250,00 |
| 94. | 21025 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,29 гр., ч.в. 2,29 гр., 585 пр. | 2 101 500,00 |
| 95. | 21048 | Кольцо 1 шт., серьги 1 пара, цепь 1 шт. с дефектом, о.в. 9,40 гр., ч.в. 9,40 гр., 585 пр. | 7 858 500,00 |
| 96. | 21060 | Серьги и кольцо 1 комплект, о.в. 5,83 гр., ч.в. 5,20 гр., 585 пр. | 4 298 250,00 |
| | **Жами бошланғич баҳоси** | | **608 435 731,28** |

Аукцион савдолар **2025 йил 19 август** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2025 йил 15 август куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2025 йил 19 август** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2025 йил 2 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир иш куни аввал соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 ХАТБ "Давр-банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*



# ТАШАББУС – ХАЛҚНИНГ КУЧИ, БИРДАМЛИКНИНГ ТИМСОЛИ

**Зиё СИРОЖ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Сўнгги йилларда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад – инсон манфаатларини таъминлаш, халқ розилигига эришиш ва давлат бошқарувида фуқароларнинг бевосита иштирокини кенгайтиришдир. Бунинг энг яққол ифодасини "Ташаббусли бюджет" дастури мисолида кўришимиз мумкин. У орқали фуқаролар ўз ҳудудидаги долзарб муаммоларни ўзлари белгилаб, овоз бериш орқали уларга ечим таклиф қилмоқда. Шу билан бирга, ҳар бир муваффақиятга жамоавий масъулият ва саъй-ҳаракат туфайли эришилмоқда.**



Мазкур дастур халқнинг жипслиги, ўзаро ҳамжиҳатлиги ва фаоллиги асосида шаклланмоқда. Аҳоли нафақат муаммони кўтармоқда, балки унинг ечимини топишда, амалга ошириш жараёнида ва назорат босқичида ҳам фаол иштирок этяпти. Бу эса жойларда ижтимоий бирликни мустаҳкамлаш, масъулият ҳиссини ошириш ва "менинг овозим ҳал қилувчи куч" деган қарашнинг қарор топишига хизмат қилмоқда. Фуқаро эндиликда томошабин эмас, балки қарор қабул қилувчи фаол иштирокчига айланмоқда. Бундай ёндашувнинг самаралари 2024 ва 2025 йилларда олиб борилган ишлар мисолида яққол намоён бўлди.

Жумладан, Андижон вилоятида 2024 йилда дастурнинг 2-босқичи доирасида 59 та маҳаллада 65 та лойиҳа амалга оширилди ва 226,2 километр ички йўлларга асфальт тўшалди. Бу ишлар учун 85,1 миллиард сўм маблағ ажратилди. 2025 йилда эса кўлам янада кенгайди. 1-босқич доирасида 75 та маҳаллада 80 та лойиҳа амалга оширилиб, 283,2 километр йўл таъмирланди ва 84 900 нафар аҳолига қулайлик яратилди. Бу шунчаки рақамлар эмас, ҳаётимиздаги сезиларли ўзгаришлар, кўздаги нур, юзлардаги табассумдир. Жойлардаги мисоллар бунга исбот бўла олади.

Жалақудуқ туманидаги Ҳасанобод маҳалласининг 8 та кўчасида 3,2 километр ички йўл қайта таъмирланиб, 1,3 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 2000 нафардан ортиқ аҳолига қулай шароит яратилди. Бу фақат йўл эмас, балки фуқаролар учун қулай ҳаракат, тезкор тиббий хизмат, хавфсизлик, ёритилган ва обод муҳитдир. Энг муҳими, ҳар бир бундай ўзгариш маҳалла аҳлининг ўзаро яқинлашиши, бир-бирига нисбатан ёрдам, кўмак ва ҳурмат муҳитини кучайтирмоқда.

Фуқаролар бу ўзгаришларни ўз ҳаётида ҳар куни ҳис этишмоқда. Балиқчи тумани "Туркистон" МФЙ фаоли Фарҳодбек Низомов бу ҳақида шундай дейди: "Илгари фарзандларимизни мактабга олиб боришда кўп қийналардик. Қишда лой, ёмғирда кўлмак кўчадан ўтиш мушкул эди. Ҳозир эса ҳар бир тонгимиз очиқ йўл, мусаффо ҳаво ва кенг, обод кўчалар билан бошланади. Бундай қулайликни давлат халқ овозини тинглагани, бизга ишонгани учун ҳосил қилдик. Бунинг учун миннатдормиз!

Бу каби самимий сўзлар нафақат ўзгаришлар аксидир, балки халқ ва давлат ўртасидаги ишонч мустаҳкамланаётганининг яққол кўринишидир.

Йўлларнинг қурилиши ва таъмири техник жиҳатдан муҳим вазифа бўлсада, унинг ижтимоий аҳамияти ундан ҳам улкан. Бу ҳақда вилоят минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати бош муҳандиси Диёрбек Мадраҳимовдан сўраганимизда у шундай жавоб берди:

– Бу дастурда энг аввало, аҳолининг фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қайси маҳаллада қандай йўлга эҳтиёж бўлса, шунга қараб амалий иш бошланади. Фуқаролар овоз беради, биз эса у ишончни оқлаш учун масъулмиз. Шу боис, ҳар бир лойиҳа вақтида, сифатли, аҳоли эҳтиёжини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Қолаверса, муҳандиснинг таъкидлашича, бу жараёнда фақат йўл қуриш билан чекланилмайди, балки ҳар бир метр асфальт ортида жамоатчилик муҳокамаси, танлов, ҳисобот ва жавобгарлик бор. "Биз фуқароларга жавобгармиз. Улар бизга ишонди – энди эса бу ишончни мустаҳкамлаш, келгуси ташаббусларга янада катта ишонч уйғотиш – бизнинг вазифамиз", дея қўшимча қилди у.

Тўғрисини айтганда, "Ташаббусли бюджет" дастури орқали нафақат йўллар таъмирланмоқда, балки кўплаб ҳудудларда мактаблар, боғчалар, шифохоналар, ички коммуникациялар ҳам янгиланмоқда. Аммо бу ислоҳотларнинг энг муҳим ютуғи – жамиятда жипслик, жавобгарлик ва ўз тақдирига бефарқ бўлмаган янги фуқаролик позициясининг юзага чиқишидир. Бундай лойиҳалар фуқароларни бирлаштиради, уларни фикр билдиришга, масъулиятли қарор қабул қилишга ўргатади. Бу эса юрт тараққиётининг, келажак авлоднинг мустаҳкам пойдевори, демакдир.

Шундай экан, йўллар обод бўлса ҳаёт ҳам обод бўлади. Аммо йўл қурилиши ортидаги энг катта ютуқ халқнинг бир овозда фикр билдириши, жамоавий мақсадда бирлашиши ва ўз ҳаётига бефарқ бўлмаслик руҳининг кучайганидир. Шу боис, бу ташаббус халқнинг кучи, ягона мақсад атрофида жипслашувининг ёрқин намунасидир.

# Хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланиш бўйича семинар ўтказилди

**Қашқадарё вилоятида хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг раҳбар ва муҳандис-техник ходимлари учун семинар ўтказилди.**





Унда "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг "Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори билан тасдиқланган "Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида низом"нинг мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси Ахборот-таҳлил, аккредитациялаш, кадастрни юритиш ва ижро назорати бош бошқармаси бошлиғи Олимжон Жўраев, Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Азиз Номозов ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси масъуллари иштирок этган семинарда тадбиркорлик субъектлари вакиллари мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олишди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЯХШИЛАРГА ЁНДОШГАН ИНСОН

**Ҳамза ШУКУРОВ,** "O'zbekiston bunyodkori"мухбири.

**Ҳаётда яхшилар кўп. Яхшиларнинг яхшиликлари ҳақида сўз юритиш, улар ҳақида ижобий фикрлар айтиш эса жуда ҳам ёқимли. Бундай инсонлар тўқувчи, қурувчи, учувчи, ёзувчи ёки бошқа касб эгаси бўлиши мумкин. Аммо ҳаммасининг ажойиб инсон экани, одамларга фақат ижобий тилаклар билдириши, эзгу ишларнинг бошида туриши бор гап.**



Самарқанд вилояти, қолаверса, мамлакатимиз бунёдкорлари сафида неча йиллардан буён ғайрат кўрсатиб келаётган, қанчадан-қанча ҳамкасбларига намуна бўлаётган Баҳром Назаров ҳақида ҳам ана шундай сўзларни айтиш мумкин. Бугун яқинлари, дўстлари даврасида ўзининг 50 ёшини хушнудлик билан қарши олаётган бу инсон қалбининг ниҳоятда гўзаллиги, дўстларига меҳрибонлиги, садоқати, масъулияти мароқ билан тилга олиниши бежиз эмас.

Айтиш керак, ярим асрлик ҳаёти, меҳнат фаолиятини у фақат эзгуликлар, хайр-саховат йўлига бағишлади. Ҳар бир ишда ҳамкасбларига, жамоасига, яқинларига ибрат бўлишга ҳаракат қилди. Пировардида, ўз олдига қўйган мақсадларига эришмоқда. Бугун ҳаммаси ажойиб. Оиланинг барча аъзолари – турмуш ўртоғи, фарзандлар хонадон етакчиси эътиборидан, меҳрибонлигию мурувватидан мамнун, ишхонасида ҳам ўз ўрнига эга, иззат-икромда. Шу боис, у ҳақда дўсту ўртоқлар, ҳамкасблар фақат яхши фикрлар билдиришади.

– Баҳром Назаров ҳақида сўзлашни ўзим учун яратилган яхши бир имконият, деб биламан, – дейди самарқандлик таниқли қурувчи Эркин Толибов. – Негаки, яхшилар ҳақида ҳар доим ҳам сўзлаш шарафига муяссар бўлиш қийин. Бу киши доимий равишда яхшиларга эргашди, ўз ортидан яхшиларни эргаштирди. Оқибат деган ажиб бир туйғуни ўзига шиор қилиб олди. Каттақўрғондек бир юртда туғилган Баҳром Назаров Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида таҳсил олган. 1996 йилда институтни тамомлаб, соҳадаги илк фаолиятини Каттақўрғон туманидаги 181-сонли махсус қурилиш корхонасида қурилиш устасидан бошлаган. Йиллар ўтиб малакали қурувчи бўлиб етишди. Бунёдкорлик соҳасида отасининг йўлини танлаб хато қилмаганини кўнгилдан ҳис этди. Шифокорлик касбини ардоқлаган онаси Адолат опанинг кўрсатмаларига амал қилгани уни юксак парвозларга чорламоқда. Биз устозимиз, ҳамкасбимизнинг ҳаётидан, меҳнат фаолиятидан ибрат олсак арзийди.

Айни пайтда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида масъул ходим бўлиб ишлаётган Баҳром Назаров Самарқанддаги қатор қурилиш ташкилотларида раҳбарлик лавозимида фаолият юритган. Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари вазифасида ва яна бир неча нуфузли идораларда фаолият кўрсатди. Бугун эса унинг ёнида садоқатли дўстлари, меҳрибон ҳамкасблари кўп.

***Биз ҳам тажрибали қурувчи Баҳром Назаровни ярим асрлик қутлуғ санаси билан табриклаймиз. Эътиборлиси, тажрибали қурувчининг қутлуғ куни онахон Адолат аянинг 80 йиллик тантаналарига қўшилиб кетаётганидир.***

***Уларга соғлик-омонлик, бахт ва саодат тилаймиз!***

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## 2025 йил июль ойининг 18-24 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари **Тоир Алиматов,** Уй-жойлар қурилишини ривожлантириш ва мақсадли дастурларни мониторинг қилиш бошқармаси бошлиғи **Баҳодир Каримов,** Ижро назорати бўлими бош мутахассиси **Азиз Рустамов,** Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи **Азизхон Усмонов,** Пудрат бозори ҳамда тендер, рейтинг ва буюртмачи тизимини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Баҳром Назаров,** бош мутахассис **Шерали Норматов,** Халқаро ҳамкорлик ва Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш ҳамда ДХШ ва инвестиция лойиҳаларини шакллантириш бошқармаси бош мутахассиси **Зуҳриддин Нажмидинов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари **Жасур Жабборов**, Мурожаатлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси **Гулнора Мирджалилова,** Ҳудудий инспекциялар қурилиш-монтаж ишлари назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Рустам Худоёров,**

"Urbanizatsiya va shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish Respublika markazi" ДМ Шаҳарсозликка оид ахборот-дастурий тизимларни юритиш бўлими бош мутахассиси **Абдукарим Зайнобиддинов,**

"Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi" директори **Марат Загрутдинов,** Лойиҳа қидирув ва қурилиш пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш бўлими етакчи мутахассиси **Диёр Илҳомов,** Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўлими етакчи мутахассиси **Зиёвуддин Қаҳҳоров,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Ахборот технологияларини жорий этиш бўлими етакчи мутахассиси **Ваҳиджон Баратов,** Стандартлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Светлана Голубева**, юрисконсульт **Камолиддин Турсунов,**

"Ташгипрогор" АЖ гуруҳ раҳбари **Ойбек Алимбеков,** ГАП сектор раҳбари **Александр Каширин,**

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат муассасаси "Ғарбий" филиали Лойиҳа бош муҳандислари **Нигина Камалова** ва **Баҳромжон Шукурулаев,**

"Ўзоғирсаноатлойиҳа" АЖ АСС-1 стажер инженери **Виктор Сукачев,** лойиҳа бош конструктори **Наиль Маматказин,** архитектор **Акрамжон Қобилов**, ИЛСК бош мутахассиси **Бахром Джураев,**

"QISHLOQQURILISHLOYIHA" бош лойиҳа институти ДМ Бош директори **Илҳом Аҳмедов,**

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 3-устахонаси етакчи архитектори **Шаҳзод Усмонов,** 5-устахонаси муҳандиси **Илҳомжон Йўлдашев,** Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 4-устахонаси лойиҳа бош архитектори **Хуршид Файзиев,** бошқарманинг Смета ва нархларни шакллантириш бўлими муҳандиси **Карина Хаспабова,** 10-устахонаси муҳандиси **Ҳумоюн Ҳасанов,** Иқтисодий режалаштириш ва шартнома муносабатлари бўлими бош мутахассиси **Равшан Муҳамадалиев,**

"Qo'qon Loyiha Qurilish" МЧЖ муҳандис-лойиҳачиси **Аббас Юлдашев,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи мутахассиси **Эргаш Бабаев,**

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини ривожлантириш ва реновация лойиҳаларини амалга ошириш шўъбаси бошлиғи **Адаҳамжон Саттаров,** Пахтаобод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Аъзамжон Иброҳимов,** Хўжаобод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Ғайратжон Абдуҳалилов,** навбатчи автомашина ҳайдовчиси **Ёдгорбек Ҳайитов,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Мурожаатлар ва диспетчерлик хизмати шўъбаси ҳайдовчиси **Пўлат Исмоилов,** Қарши тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Музаффар Мейлиев,** Китоб тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Нормахмат Норов,**

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси лаборанти **Азим Эрназаров,**

Сурхондарё вилояти Термиз тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Арслонбек Темиров,**

Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Бобур Жўраев,**

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Ҳусанбой Раҳимжонов,**

Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Мақсуд Маттиев,** Урганч тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Қудратбек Шарипов,**

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимидаги "Ангрен иссиқлик энергияси" ДУК бош муҳандиси **Юсуфхон Бабаханов,**

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги "Ava-boshqaruv kompaniyasi" МЧЖ БСК раҳбари **Мўйиддин Сатторов,** Шайхонтоҳур туманидаги "Mushtariy biznes servis" МЧЖ БСК раҳбари **Маҳмуд Рўзметов,** "Yangi jangox plus" МЧЖ БСК раҳбари **Гулмира Асқарова,** Юнусобод туманидаги "Юг Строй таъмир" МЧЖ БСК раҳбари **Адуҳошим Амонов,** "Мумтоз сервис" МЧЖ БСК раҳбари **Гулнора Атажанова,** Яккасарой туманидаги "RBB Billur Tog'" МЧЖ БСК раҳбари **Ботир Раҳматуллаев,**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги "Нилюфар-люкс-сервис" уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувчиси **Лидия Пшеничкина,** Чилонзор туманидаги "Sofiya-kommunal" уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувчиси **Шаҳобжон Раҳмонов,** "Olmazor-bunyodkor-kommunal" уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувчиси **Илмира Челебиева,** Шайхонтоҳур туманидаги "Katta-jangox-servis" уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувчиси **Арофат Урманбекова**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК,
УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Шерзод Ҳидоятов,
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**"ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ" НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси, "ЎзГАШКЛИТИ" МЧЖ, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, "ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 741.
1887 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни – 21.30.
Топширилди – 22.30. 1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 25 июль куни чиқади.